# УМУМИНСОНИЙ МУАММОЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ТАЛҚИНИ

**А.Қаюмов**

*Мақолада Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романида руҳият, образлар, рамзий деталларнинг миллий хусусиятлари, қаҳрамонлар дунёқаршидаги миллий ўзига хосликлар ёритилган.*

***Калит сўзлар**: миллийлик, миллий руҳият, деталь, миллий характер, рамзий тимсол, миллий ғурур, андиша, дунёқараш.*

*В статье освещены национальные особенности психологических состояний, образов, символических деталей, мировоззрения героев романа «Мувозанат» Улугбека Хамдама.*

***Ключевые слова**: национальное, национальная психология, деталь, национальный характер, символический образ, национальная гордость, тактичность, мировоззрение.*

*Article enlightens national features of symbolic details, psychology, images, national peculiarities of characters’ world view in Ulugbek Hamdam’s novel “Muvozanat”.*

***Key words:** nationalism, national spirit, detail, national character, symbol, national pride, prudence, coloring, world view, landscape.*

---

Бадиий асардаги миллийлик адабиётшуносликнинг доимий масалаларидан ҳисобланиб, бу ҳақда академик Иззат Султон қуйидаги фикрларни билдиради: “... ёзувчи ўз халқи ҳаётида майдонга келган жуда муҳим ижтимоий, психологик ва ахлоқий муаммоларни бутун аниқлиги билан ёритганда, унинг асари миллий мазмун касб этади: шу билан бирга, ёзувчи тасвирининг марказида турган нарса одам бўлгани туфайли, асар мазмуни дунёдаги ҳамма кишиларни қизиқтирадиган умумий

масалаларни қамраб олади” [1.48]. Истеъдодли ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романида тасвирланган ҳар бир чизги ўзбек ҳаётини, характерини акс эттириши билан ана шу талабларга жавоб беради. Ёзувчи турмуш материалларини саралашда, халқ психологияси ва ахлоқий масалаларни ёритишда соф миллий ўзига хосликлардан фойдаланган. Асарда “кенг маънода ўзбек миллатининг шўро даври тузумидан бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги бутун мураккабликлар ҳақиқий, шафқатсиз реал тасвирларда маҳорат билан очиб берилган” бўлиб, [2.35] уч ўртоқ: Юсуф, Миразим, Саидларнинг институтдаги саргузаштлари ва кейин танлаган ҳаёт йўллари, қишлоқ одамларининг сабри, маҳалла муҳити, Муҳаммаджон тоға билан боғлиқ воқеалар ишонарли ёритилган. Айниқса, Муҳаммаджон тоғанинг Юсуфга таъсири асар воқеаларини ҳаракатга келтиришда асосий ўрин тутади. Муҳаммаджон тоға яратган боғ ҳам рамзий маъно ва миллийлик касб этган: “Юсуфнинг хаёлини тоғаси ҳовлисидаги боғ ва унда ҳар бир дарахт шохига илинган қуш катакларию бедана қовоқлари маҳлиё этиб қўйганди” [3.12].

Муҳаммаджон тоға шўроларга содиқ хизмат қилиб рўшнолик кўрмагач, ўзи бир боғ яратади. Боғ тимсолида Ватанга, буюк келажакка, улуғ тарихга, ёш авлодга рамзий ишора мавжуд бўлиб, дарахтлар ва тўрқовоқлар тасвирга миллийлик бағишлаган. Шунингдек, боғ яқин келажакда давлатнинг мустақил, эркин бўлишига ҳам рамзий ишорадир. Муҳаммаджон тоға боғдаги қушларни бир-бир учириб юборар экан уларнинг парвозида мамлакат озодлигини орзу қилади: “Ҳм, қушгинам, қалайсан? Оч қолдингми? Ҳозир, ҳозир... – Муҳаммаджон ака уни лабига олиб бориб бошидан ҳуркитмайгина ўпди – бор энди, парвоз қил! Озод бўл! Хоҳлаган томонингга учиб кет. Йўқ, яхшиси, тоғ томонга, баҳаво ерларга, тоғларга бор, сенга ўша ёқлар тузук. Бу ерда боғлар ҳам қолмади, тоғлар ҳам. Ҳаммасини яксон қилиб, бағрини тилиб, пахтазорга айлантиришди булар!.. Бор, қушим, уч энди, уч! Лекин билиб қўй, осон бўлмайди. Осон бўлмайди-ю, барибир, озодликка нима етсин? Бор, бора қол эркин ҳаволарда уч энди, уч, уч, уч...” [3.28].

Албатта, бу тасвирда қушлар эрк, миллий озодлик, мустақиллик рамзи ҳисобланади, шунингдек, улар эрк учун курашган, мустақилликка эришишга ҳаракат қилган ватанпарвар аждодларимиз тимсоли сифатида ҳам гавдаланади. Муҳаммаджон тоға эса бундай ватанпарварларни асраган, тарбиялаган, етиштирган миллатимизнинг жонкуяр вакили сиймосида намоён бўлади.

Романнинг бош қаҳрамони Юсуф мураккаб эврилиш даврида юрак амри ва ҳам ижтимоий, ҳам шахсий бурч даъвати билан гоҳ ўқитувчилик, гоҳ савдо-сотиқ, гоҳида ҳатто мардикорлик билан шуғулланади. Миразим ва Саиддан пул сўрамоқчи бўлади. Аммо унинг баданига сингиб кетган миллий ғурур бунга йўл қўймайди. У текинхўр, амалпараст, беғам “дўст”ларидан нафратланади, аммо ўзбекона андиша туфайли индамайди, уларни фош қилмайди. Аксинча, курсдошларининг ҳаёт йўли, келажакда инқирозга юз тутиши Юсуфга кўзгу вазифасини бажаради. Мувозанатини тиклаш учун ўзи курашади. Юсуф йўлида учрайдиган ҳар қандай ғовларни ақл-фаросат билан мардонавор тарзда ва айни чоғда шафқатсизлик билан енга боради. Масалан, дўсти Саид: “Албатта, кел”, дея қайта-қайта тайинлаганига қарамай, у бу борада ҳануз тараддудланарди. Орада бир-икки марта Миразимни кўрди. У ҳам “Манда ишла, хоҳласанг каттароқ, хоҳласанг мундайроқ дўконни бошқарасан, яхши пул топасан”, - деди. Бироқ мана неча ҳафтадир Юсуф бир қарорга келолмайди... Ниҳоят, ўйлаб-ўйлаб мардикорликка чиқишга қарор қилди” [3.143.]

Романда тасвирланган қишлоқ ва маҳалла аҳолисининг тумуш тарзи ҳам соф миллий бўёқларда берилган. “Хусусан, Андижон миллий колорити, андижонликлар табиатига хос сўзамоллик, қони қайноқлик, қайсарлик, меҳнаткашлик, сабрлилик; оммавий кулги саҳналари, латифагўйлик лавҳалари; Улуғтоғ, қалин қор ёққан кун, лола сайли каби пейзаж манзаралари беқиёс ҳарорат билан тасвирланган” [2.36]. Оғир турмуш шароитида ҳам ўзбеклар тўпланган жойда аския, кулги, кўтаринки кайфият мавжуд бўлади. Халқнинг оғир ҳаёт синовларини енгиб ўтишида бу миллий фазилат маънавий озуқа, руҳий далда вазифасини бажарган. Юсуфларнинг уйига меҳмонга келган Мухторнинг Абдураҳмон ака тўғрисидаги латифаларидан сўнг Юсуфда руҳий енгиллик сезилади, одамлардан руҳий қувват олади: “Юсуф ўзини фавқулодда яхши ҳис қила бошлади. Ҳаловат унинг ёдига яна ўша болаликдаги тоғ сайлини туширди: “БИРГАЛИК ТУЙҒУСИ... Нақадар олий туйғу экан!” – ўйларди у. Қаҳқаҳа – тўғри шифтга урилиб, сўнг очиқ турган деразалардан ташқарига забт билан отилиб чиқаётган қувонч унинг айнан ўша ерлардан пусиб келаётган ёлғизлигини, нафақат буни, балки кейинги йилларда тортган азобларини, юрагида пайдо бўлган оғриғу умидсизликни қувиб солаётган эди” [3.67].

Кўринадики, айрим халқ вакиллари характерида индувидиализм етакчилик қилса, бизнинг юртдошларимизда “биргалик туйғуси”, жамоадан, маҳалласидан руҳий қувват олиш устун туради. Бу нарса тўй-ю азалар, сафардан қайтганларни зиёрат қилиш кабиларда яққол кўринади.

Асардаги Саид (гарчи кўп вақтини чет элларда ўтказса ҳам, ижтимоий масалалар билан шу-

ғулланса ҳам) ва Миразимлар ўзларининг шахсий бахти, бойлиги, обрўйи, фаровонлиги учун курашади. Юсуф образи эса миллий характер доирасидан чиқиб, ўз орзу-умидлари, интилиши, атрофида рўй бераётган воқеаларга муносабати билан (улар хоҳ ижтимоий, хоҳ интим, хоҳ шахсий-оилавий бўлсин) умумбашарий моҳият касб этади. У ўзбек миллатининг вакили сифатида умуминсоний муаммоларни ўйлайди, ҳал этади. Институтда бирга ўқиган таниши Жўрақул билан суҳбатларида ҳам Юсуфнинг ушбу характери кўзга яққол ташланади:

" – Мен, сен ва минглаб, ўн минглаб бизга ўхшаганлар тортаётган заҳматни қўятурайлик, ўз соҳамизда ишламаётганимиз давлатга қанча зарарлигини ҳеч ўйлаб кўрдингми? Ахир бизнинг тарихчи, математик, иқтисодчи... бўлиб етишмоғимиз учун қанча маблағ сарфланди, қанча меҳнат – пешана тери бағишланди, умрлар кетди. Лекин натижа қани?.. биз тарихчи эмас, сотувчию бозорчи бўлиб ўтирибмиз. Эртага-чи? Эртага биз кетгач, бўшаб қолган ўринлар улкан бир жарликка айланмайдими? Айланиб жамиятнинг ривож топишига халақит бермайдими? Жарликларни тўлдириш учун янада кўп қурбонлар керак бўлмайдими?!" [3.202]

Улуғбек Ҳамдам барча қаҳрамонларини ёритишда миллийлик мезонларидан самарали фойдаланади. Умумий ҳолатлардан ташқари бадиий адабиётимизда кам учрайдиган воқелик – хиёнатнинг аёл дунёқарашидаги ифодасида ҳам миллий талқин кўзга ташланади. Бу масалада, айниқса, Юсуф билан Заҳронинг ўзаро алоқалари тасвири характерлидир. Заҳро ва Юсуф ўртасида маънавий эҳтиёж сабабли анча яқин муносабат пайдо бўлади. Юсуф тили билан айтганда, уларнинг "маънавий, руҳий хиёнатини" Заҳро бир умр қалбидан ташқарига чиқармасликка ҳаракат қилади: "Ахир шариату ахлоққа ҳар қанча хилоф бўлмасин, Заҳро Юсуф билан бўлган муносабатини ўзи учун халоскор ҳаводек қабул қиляпти-да. Аммо, билардики, ўз эътирофини ҳеч қачон, ҳеч кимга ошкор қилмайди. Бу нарса то қабргача унинг ўз сири бўлиб қолади. Ахир нима деган одам бўлади! Ахир аёл у..." [3.246].

Бу тасвирда ўзбек аёлининг хиёнатга муносабати, қарашлари, изтироблари ўзбекона ёритилган. Эри бор ўзбек аёли учун бошқа эркак ҳақида ўйлаш ҳам "шариату ахлоққа" тўғри келмайди.

Шу ўринда Заҳро дунёқарашидаги ўзбек аёлига хос белгиларни Толстойнинг "Анна Каренина" романидаги Анна образи билан қиёсланса, миллий ўзига хослик янада равшанроқ кўринади. Русларда муҳаббат масаласи бизга қараганда анча эркин. Улар юракдаги ҳис-туйғуларини очиқ-ойдин айтиб, бу "юк"дан қутилишни афзал кўришади. Бу ҳолат рус аёли – Анна тимсолида миллий дунёқараш ифодаси сифатида намоён бўлган. От спорти мусобақасида Вронскийнинг оти йиқилганда пайдо бўлган ҳаяжон натижасида яширин муносабатларини сездириб қўйган Анна эри билан суҳбатда бор ҳақиқатни айтади. Бундан руҳи енгил тортади: "Хато қилганингиз йўқ. Тўғри, мен ҳаяжонга тушдим. Ҳаяжонга тушмай туролмасдим. Ҳозир ҳам қулоғим сизда-ю, хаёлим унда. Мен уни яхши кўраман, мен унинг маъшуқасиман, ортиқ чидаёлмайман, сиздан қўрқаман, сиздан нафратланаман... Мана энди билганингизни қилинг" [4.278].

Рус оилаларида бу каби суҳбатлар демократия тамойилларига таянган ҳолда меъёр ҳисобланиши мумкин. Лекин ўзбек оиласида одоб-ахлоқ талабларининг қўпол бузилиши саналади. Шунингдек, оилавий муносабатларнинг давом этиши ёки этмаслигини чет давлатларда асосан эр билан хотин ҳал қилади. Бизнинг халқимизда эса оиланинг сақлаб қолинишига ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла бирдек ҳаракат қилади. Шунинг учун ўзбек аёллари қалбидаги бу каби эҳтиросларни очиқ-ойдин билдирмайди.

Қаҳрамонлар характерига бу каби ўта миллий ва айни чоғда, умуминсоний муаммоларни сингдириб юбориш Улуғбек Ҳамдамнинг биргина "Мувозанат" романига эмас, балки "Исён ва итоат", "Сабо ва Самандар", "Наъматак" романларига ҳам хосдир. Умуман Улуғбек Ҳамдам асарларига асос қилиб олинган мавзу ва материалларнинг барчаси умуминсонийлиги ҳамда миллийлиги билан эътиборлидир.

**Адабиётлар:**

1. Султон, Иззат. Адабиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2005.- 270 б.

2. Қўчқорова М. "Мувозанат" романида шартли рамзлар. // Ўзбек тили ва адабиёти.- 2014.- №4.- Б.35-41

3. Ҳамдам, Улуғбек. Ватан ҳақида қўшиқ. – Т.: Академнашр, 2014.- 644 б.

4. Толстой Л. Танланган асарлар. 5-жилд.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.- 1039 б.

*Фарғона давлат университети,*
*2016 йил 26 августда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф. Й.Солижонов)*